

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎРАЕВА ДИЛНОЗА НЕМАТУЛЛАЕВНА**

**БАДИИЙ ҒОЯ, ИЖОДИЙ ТАСАВВУР ВА ЭСТЕТИК ТАЛҚИН  
МАСАЛАСИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
in Philology sciences**

<b>Тўраева Дилноза Нематуллаевна</b> Бадийй ғоя, ижодий тасаввур ва эстетик талқин масаласи.....	5
<b>Тураева Дилноза Нематуллаевна</b> Вопросы художественной идеи, творческого восприятия и эстетического анализа.....	27
<b>To'rayeva Dilnoza Nematullayevna</b> The problem of artistic idea, creative imagination and aesthetic analysis.....	51
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	55

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎРАЕВА ДИЛНОЗА НЕМАТУЛЛАЕВНА**

**БАДИИЙ ҒОЯ, ИЖОДИЙ ТАСАВВУР ВА ЭСТЕТИК ТАЛҚИН  
МАСАЛАСИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil227 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилди.

**Илмий раҳбар:**

**Раҳимжонов Нўъмон Каримович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сабирдинов Акбар Ғафурович**  
филология фанлари доктори

**Қосимов Усмонжон**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунини соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел.: (993873) 244-44-29; факс: (+99873) 244-66-03; e-mail:fardu\_info@umail.uz.

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (+99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.  
(2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А.А.Қосимов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
филология фанлари доктори

**И.Т.Хожалиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
филология фанлари номзоди,  
доцент

**А.Ғ.Сабирдинов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, филология  
фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида адабий-эстетик қарашлар тараққиётининг изчил такомиллашуви бадиий тафаккур тадрижий ривож билан боғлиқ илмий концепцияларнинг юзага келишига асос бўлади. Шу боис бадиий оламни ўзига хослигини тадқиқ этиш, унга танқидий ёндошиш ҳар бир халқ адабиёти тараққиётига наф келтириши тайин. Бинобарин, адабий ижод жараёнини илмий жиҳатдан текшириш, ижодий ниятнинг туғилиши ва моддийлашуви билан боғлиқ омилларни ўрганиш, бадиий-эстетик талқин хусусиятларидаги ўзига хосликларни кўрсатиб бериш, ижодкор шахсининг намоён бўлиши билан боғлиқ муаммоларни назарий асослаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигида бадиий ижод жараёни, тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга муаллифнинг ғоявий-ҳиссий муносабати, образлар тизимининг танланиши ва қўйилган муаммони улар воситасида поэтик идрок этиши-ю, чиқарган бадиий ҳукми, эстетик идеали, дунёқараши, маданий-маърифий даражаси, ҳаётий тажрибаси, малакаси, истеъдод ва салоҳиятининг қуввати, эстетик талқин муаммолари, умуман олганда, ёзувчи ижодий лабораториясининг ўзига хос жиҳатлари изчил ўрганилган. Ҳар бир давр адабиётшунослигида бадиий асарнинг юзага келиши билан боғлиқ ижодий жараёни ўрганилиши лозим бўлган илмий йўналишлардан бири ҳисобланган. Жумладан, асарнинг ғоявий ниятдан ибтидоланиши ҳамда бадиий талқин хусусиятлари, айти адабий ҳодисаларни чуқур билиш, унинг эстетик вазифаларини аниқлаш ва бу орқали адабиётшунослик эришган ютуқлар моҳиятини очиб бериш заруратини юзага келтиради.

Сўнгги йилларида миллий асарларимизни холис ўрганишга, уларни юксак бадиият мезонлари асосида тадқиқ қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ўзбек адабиётшунослигида, айти пайтда, мустақилликкача ва ундан кейинги йилларда яратилган тарихий асарлар мисолида ўзбек насри бадиий тафаккуридаги янгиланишларни, воқеликни бадиий ифодалаш йўсинларини дунё адабиётшунослиги ўлчовларига мос равишда, уларни бугунги кун талабидан келиб чиқиб илмий-назарий жиҳатдан тўғри баҳолаш муҳим вазифалардан биридир. «...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ».<sup>1</sup> Демак, асарларни адабий-тарихий жараён контексти, ёзувчи ва бадиий асар жуфтлиги, ижодкор ва маънавий-руҳий дунёсини ўрганиш, уларда инсоннинг индивидуал ва ижтимоий борлиги ифодаланишининг бугунги ислохотлар жараёнига татбиқ этилиши, айтиқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий камолотини таъминлашга хизмат қилишга йўналтирилиши муҳим маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга. Зеро, янги давр бадиий-эстетик қарашлари асосида адиб ижодий лабораторияси, ижодий «мен»и, фикр-қарашлари структураси

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август.

асосида унинг адабиёт тарихидаги ўрнини белгилаш, ўзлаштириш эстетикаси сингари тарихий-индивидуал масалаларни бир бутунликда тушуниш ҳамда тушунтириш тамойиллари замонавий адабиётшунослик учун методик, назарий-методологик ва концептуал аҳамиятга молик илмий умумлашма ва хулосалар чиқаришга имкон беради. Шу боис бадиий ғоя, ижодий тасаввур ва эстетик талқин муаммосини тадқиқ этиш долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сон Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-3271-сон Қарори, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарори, 2019 йил 29 октябрдаги «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги ЎРҚ-576-сон Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тузишини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида бадиий асарга ёндашув ва воқеликни англашга ёрдам берувчи илмий тадқиқот методларнинг асосий жиҳатлари ёритилган назарий адабиётлар талайгина. Дунё мамлакатларининг адабиётшунос, файласуф-эстетлари: О.Конт, И.Тэнь, А.Н.Пипин, А.Н.Сакулинларнинг социологик; Сент-Бёв, А.Моруаларнинг биографик; Э.Эннекен, В.Вунд, Э.Эльстер, Э.Бертрам, Э.Гроссе, А.А.Потебня, Д.Н.Овсянко-Куликовский, А.Г.Грофед, Л.С.Виготский, М.М.Бахтинларнинг психоаналитик; В.Шкловский, В.В.Виноградов, В.М.Жирмунский, Ю.Н.Тинянов, Б.В.Томашевский, Г.О.Винокурларнинг формал; Клод Леви-Стросс, Л.С.Виготский, Р.Барт, Ю.Лотман, Д.С.Лихачев, М.М.Бахтинларнинг структурал-семиотик, шунингдек, Ф.Шлейермехер, В.Дильтей, М.Хайдеггер, Г.Г.Гадамерларнинг герменевтик методлар

йўсинидаги кўплаб тадқиқотлари фикримизни далиллайди<sup>2</sup>. Муҳими шундаки, истиқлол йилларида бу типдаги тадқиқотларга бўлган қизиқиш кескин ортди. Уларга эргашиш, ижодий ўзлаштириш, анъанавий адабиётшуносликнинг тадқиқот йўсинлари билан чоғиштириш, миллий адабиёт материалига жалб қилишга интилишларнинг ижобий самаралари ҳам эътироф этилди<sup>3</sup>.

Жумладан, Шарл Огюстен Сент-Бёв (1804-1869) биографик метод тамойиллари асосида ёзилган асарларида ёзувчи биографияси ва ижодини бир бутунликда талқин қилади. Унинг «Адабий портретлар, танкидий очерклар», «Жозеф Делорм ҳаёти, шеърлари ва фикрлари» номли илмий ишлари, бундан ташқари А.Моруанинг «Адабий портретлар», «Олимпиа ёки Виктор Гюго ҳаёти», «Оноре де Бальзак», Ян Парандовскийнинг «Сўз алкимёси», И.П.Эккерманнинг «Гёте билан суҳбатлар», Ф.Наркирьернинг «Андре Моруа», Ю.Боревнинг «Талқин ва баҳолаш санъати», В.С.Бахаровнинг «Адабий портретлар»<sup>4</sup> каби тадқиқотлари ушбу масаланинг жаҳон адабиётшунослигида ўз ўрни ва аҳамияти юқорилигини кўрсатади. А.Т.Цейтлин, П.Медведов, Ю.Оклянский, Б.Мейлах, Т.А.Кузьминская, Л.М.Леонов, Б.А.Грифцов, М.Б.Храпченко ва Л.Толстойлар<sup>5</sup> ҳам шу масалани турфа қирраларини тадқиқ этишган.

Ўзбек адабиётшунослигида биографик методнинг назарий жиҳатлари нисбатан кам ўрганилган. Ёзувчи таржимаи ҳолининг яратилишидаги илк тажрибалар сифатида Алишер Навоийнинг буюк кишилар таржимаи ҳолидан қимматли маълумотлар берилган «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад» каби асарларини келтириш мумкин. Фитрат ўзбек адабиётшунослиги тарихида туркий халқларнинг қатор ижодкорлари биографиясини уларнинг асарларидан келиб чиқиб тиклашга муваффақ бўлган. Олимнинг Аҳмад Югнакий, Муҳаммад Солиҳ, Турди, Машраб ҳақидаги тадқиқотларига<sup>6</sup> илмий биография яратишнинг дастлабки

<sup>2</sup> История русского литературоведения. – Москва: 1980; Сакулин П.А. Филология и культурология. – Москва: 1990; Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. – Москва: 1981; Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. Критические очерки. – Москва: 1970; Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. – Москва: 1981; Его же: Введение в структуральный анализ повествовательных текстов // Зарубежная эстетика и теория литературы XIX – XX вв. – Москва: 1987; Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. – Ленинград: 1972; Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. – Москва: 1991.

<sup>3</sup> Расулов А. Илми ғарибани кўмсаб. – Тошкент: Маънавият, 1998; Танкид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006; Рахимжонов Н. Бадий асар биографияси. – Тошкент: Фан, 2008; Қуронон Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танкидий тафаккури очерклари. – Тошкент: Фан, 2008; Ёқубов И. Бадий-эстетик сўз сеҳри. – Тошкент: 2011; Бадий матн ва эстетик талқин. – Тошкент: Фан ва технология, 2013; Улуғов А. Қалб қандили. – Тошкент: Академнашр, 2013; Истиқлол. Адабиёт. Танкид. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015; Каримов Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2016; Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 2018.

<sup>4</sup> Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. – Москва: Художественная литература, 1970; Сент-Бёв Ш. Жизнь, стихотворения и мысли Жозефа Делорма. – Ленинград: Наука, 1985; Моруа А. Литературные портреты. – Москва: Прогресс, 1971; Моруа А. Олимпиа или жизнь Виктора Гюго. – Москва: Прогресс, 1983; Моруа А. Оноре де Бальзак. Жаҳон адабиёти. 1992, 8-сон; Парандовский Ян. Алхимия слова. – Москва, 1972; Эккерман И.П. Разговоры с Гёте. – Москва, 1981; Наркирьер Ф. Андре Моруа. – Москва, 1974; Борев Ю. Искусства интерпретации и оценки. – Москва: 1981; Бахаров В.С. Литературный портреты. – Ленинград: Наука, 1985.

<sup>5</sup> Цейтлин А.Т. Труд писателя. – Москва, 1968; Медведов П. В лаборатории писателя. – Москва, 1971; Оклянский Ю. Рождение книги. – Москва, 1973; Мейлах Б. Талант писателя и творческие процессы. – Москва, 1969; Кузьминская Т.А. Воспоминания. С издание. – Тула, 1959; Леонов Л.М. Литература и время. – Москва, 1964; Грифцов Б.А. Как работал Бальзак. – Москва, 1958; Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – Москва, 1970; Храпченко М.Б. Лев Толстой как художник. – Москва, 1971; Толстой Л.Н. О литературе. – Москва, 1955.

<sup>6</sup> Фитрат. Ҳибатул ҳақойик // Маориф ва ўқитувчи, 8-сон. 1982; Фитрат. Муҳаммад Солиҳ // Аланга, 10-сон, 1929; Фитрат. Ўзбек шоири Турди // Маориф ва ўқитувчи, 8-сон. 1929; Фитрат. Машраб // Илмий фикр, 1-сон, 1930.

намуналари сифатида қараш мумкин. Кейинчалик адабиётшунослар томонидан Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, У.Носир<sup>7</sup> каби қатор ижодкорларнинг биографиясини ўрганиш ҳам ушбу масаланинг янада такомиллашувига хизмат қилди. Бадиий ғоя, ижодий тасаввур ва эстетик талқин масаласи Миркарим Осим (1907-1984) ва Асад Дилмурод (1947-2019) қаламига мансуб тарихий асарларнинг яратилиш тарихини муаллифлар шахсияти, ижодий лабораториясининг ўзига хос хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқликда, яхлит адабий жараён контекстида монографик йўсинда тадқиқ этиш имконини берди.

«Адабиётимиз автобиографияси», «Адабиёт назарияси» (II том)<sup>8</sup>да ижодий жараён хусусидаги назарий маълумотлар келтирилган. И.Султонов, М.Қўшжонов, П.Шермухаммедов, Т.Бобоев, Ҳ.Қодирий, И.Ғофуров, Н.Худойберганов, Н.Норқулов, М.Сатторов, А.Каттабеков, О.Шарафиддинов, Б.Саримсоқов, Б.Назаров, Й.Солижонов, А.Раҳимов, Ҳ.Умуров, Н.Раҳимжонов, Д.Қурононов, У.Қосимов, Б.Каримов<sup>9</sup> сингари адабиётшунослар қаламига мансуб тадқиқотларда ҳам ёзувчи ижодий лабораторияси хусусидаги илмий-назарий қарашлар кузатилади. А.Расулов, Н.Каримов, У.Норматов, Ҳ.Болтабоев ва У.Жўрақулов<sup>10</sup> каби адабиётшунослар ҳам бу масала хусусида атрофлича мулоҳаза билдиришган. Шунингдек, кейинги йилларда юзага келган монографик изланишлар Ш.Дониёрова, Б.Каримов, И.Самандаров, Т.Жўраев, Н.Зиёдуллаева, Ш.Исаева, Ш.Тўйчиева, Ш.Эргашева, А.Ҳамроқуловларнинг<sup>11</sup> илмий

<sup>7</sup> Шарафиддинов О. Чўлпон. – Тошкент: Шарқ, 1992; Каримов Н. Усмон Носирнинг сўнгги кунлари, – Тошкент: Маънавият, 1995; Каримов Н. Ҳамзани ким ўлдирган, ёхуд Шохимардоннинг қора баҳори // Ёшлик, 10-сон. 1991; Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат. – Тошкент: Ёзувчи, 1996; Боқий Н. Қатлнома. – Тошкент: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.

<sup>8</sup> Адабиётимиз автобиографияси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973; Жамоа. Адабиёт назарияси. II жилдлик, II жилд. – Тошкент: Фан, 1979.

<sup>9</sup> Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986; Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010; Қўшжонов М. Ижод масъулияти, – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981; Қўшжонов М. Моҳият ва бадиият. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973; Шермухаммедов П. Ижод дарди. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973; Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002; Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983; Ҳ.Қодирий. Қодирийнинг сўнгги кунлари // Ёшлик. 4-сон, 1998; Ғафуров И. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2017; Худойберганов Н. Эҳтирос тўлқинлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970; Норқулов Н., Сатторов М. Миркарим Осим // Адабий портрет. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977; Сатторов М., Каттабеков А. Олис юлдузлар жилоси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984; Каттабеков А. Тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1982; Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳти. – Тошкент: Шарқ, 2004; Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: Шарқ, 2004; Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Фан, 2008; Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. Филол. фан. док... дисс. – Тошкент, 2002; Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009; Раҳимов А. Роман санъати. – Фарғона: Фарғона нашриёти, 2015; Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002; Раҳимжонов Н. Бадиият – бош мезон. – Тошкент: Академнашр, 2016; Раҳимжонов Н. Адиб эстетикаси. – Тошкент: Фан, 2017; Қурононов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти, 2004; Қурононов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997; Қурононов Д. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: Академнашр, 2018; Қосимов У. Адабиётнинг ҳаётбахш кучи. – Тошкент: ЎЗМУ кутубхонаси нашриёти, 2008; Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Мухаррир, 2011; Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Тошкент: Фан, 2016.

<sup>10</sup> Расулов А. Илми ғарибани кўмсаб. – Тошкент: Маънавият, 1998; Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006; Каримов Н. Чўлпон. – Тошкент: Шарқ, 2003; Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати. – Тошкент: Университет, 2000; Норматов У. Қодирий мўъжизаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010; Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. I жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2013; Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006.

<sup>11</sup> Дониёрова Ш. Истиклол даври ўзбек романларида миллий руҳ ва қахрамон муаммоси: филол. фан. док... дисс. – Тошкент, 2012; Каримов Б. XX асар ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида): филол. фан. док... дисс. – Тошкент, 2001; Самандаров И. Ўзбек тарихий романларида тарихийлик: филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1992; Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик: филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1994; Зиядуллаева Н. Ўзбек

тадқиқотларида ижодкор биографияси ва тарихийлик масаласига оид муайян назарий муаммолар атрофлича ўрганилган.

Келтирилган манбаларда Миркарим Осим ва Асад Дилмуроднинг тарихий мавзудаги асарлари бадиий матни ҳам баъзан ўрганилаётган мавзу доирасида, баъзан эса бадиий асарнинг бошқа жиҳатларини таҳлил қилиш асносида Ғарб ва Шарқ эстетикаси ҳамда адабиётшунослиги илғор назарий қарашлари асосида услуб, истеъдод, интеллектуал салоҳият акс этган ўзига хос қурилма сифатида қисман тадқиқ этилган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Гулистон давлат университети истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек адабиётида бадиий ижод жараёнининг ўзига хос хусусиятлари» йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Миркарим Осим ва Асад Дилмурод тарихий мавзудаги асарларини адабий-тарихий жараён контексти, ёзувчи ва бадиий асар жуфтлиги, ижодкор ва ўзлаштириш эстетикаси, рецепиент маънавий-руҳий дунёси, адиб ижодий лабораторияси, ижодий «мен»и, фикр-қарашларининг структураси асосида ўрганиб, уларнинг адабиёт тарихидаги ўрнини белгилаш, шу тарихий-индивидуал масалалар негизида концептуал назарий-методологик умумлашмалар чиқаришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

мустақилликкача ва ундан кейинги йилларда яратилган бадиий асарлар мисолида ўзбек насри бадиий тафаккуридаги янгиланишлар, адабий асарнинг ижодий ният сифатида юзага келиши ва бадиий талқин хусусиятлари, бевосита ижодкор шахсияти билан боғлиқлиги алоҳида адабий ҳодиса эканлигини илмий асослаш;

тарихий асарларда тасвирланган воқеа-ҳодисаларга муаллиф ғоявий-ҳиссий муносабати: образлар тизимининг танланиши ва қўйилган муаммони улар воситасида поэтик идрок этиши ҳамда бадиий ҳукм чиқаришини ижод жараёни билан чамбарчас боғлиқ тарзда таҳлил қилиш;

адиб эстетик идеали, дунёқарashi, маданий-маърифий даражаси, ҳаётий тажрибаси, малакаси, истеъдод ва салоҳиятининг қувватига асосланиб, унинг ижодий лабораторияси: муайян асарнинг юзага келиши, сайқалланиши, ўқилиши, уқилиши ва шарҳланиши билан боғлиқ ижодий жараённи очиб бериш;

бадиий ғоя, ижодий тасаввур ва эстетик талқин масаласини тадқиқ этишда тарихий мавзудаги асарларни адабий-тарихий жараён контекстида олиб қараш, адиб ижодий «мен»и, фикр-қарашлари структураси, ёзувчи ва бадиий асар жуфтлиги, ижодкор поэтик олами ва маънавий-руҳий дунёси сингари масалалар яхлит ўрганилиши муҳимлигини далиллаш;

---

адабиётшунослигида ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари (Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди мисолида): филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2000; Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари: филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2001; Тўйчиева Ш. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида ижодкор дунёқарashi ва бадиий услуб муаммолари: филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2006; Эргашева Ш. Саида Зунунова шеъриятида ижодкор шахсияти ва лирик қахрамон муаммоси: филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2008; Ҳамроқулов А. Ўзбек адабиётида Маҳмуд Торобий кўзголониининг бадиий тасвири: филол. фанл. номз... дисс. – Тошкент, 2011.

Миркарим Осим ва Асад Дилмурод тарихий асарларининг яратилиш тарихи, хусусан, ғоявий ниятнинг туғилиши ва моддийлашуви, бадий талқин эстетикаси муаммоларини муаллиф шахсияти, ижодий лабораториясининг ўзига хос хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқликда, яхлит адабий жараён контекстида тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Миркарим Осимнинг «Темур Малик» ҳикояси, «Зулмат ичра нур», «Кўнгил меҳроби», «Ибн Сино», «Карвон йўлларида», «Алжабрнинг туғилиши», «Жайхун устида булутлар» қиссалари, шунингдек, Асад Дилмуроднинг «Мулк», «Гириҳ», «Шердор», «Мезон буржи» қиссалари, «Маҳмуд Торобий» ва «Паҳлавон Муҳаммад» романларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек адабиётида яратилган бадий асарларнинг ижодий жараён билан боғлиқ хусусиятлари, ёзувчи ижодий лабораториясига оид жиҳатлари, улар такомлида ижод жараёнининг моҳиятини акс эттирувчи унсурлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда биографик метод доминантлик қилса-да, ўрни билан социологик, психоаналитик, структурал, герменевтик, қиёсий, тарихий-типологик таҳлил усулларидан ҳам фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилар билан белгиланади:

бадий ижод жараёни, адабий асарнинг ижодий ният сифатида юзага келиши ва бадий талқин хусусиятлари бевосита ижодкор шахсияти билан боғлиқлиги алоҳида адабий ҳодиса эканлиги истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигининг етакчи хусусиятларидан бири сифатида очиб берилган;

бадий асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларга муаллифнинг ғоявий-ҳиссий муносабати, образлар тизимининг танланиши ва қўйилган муаммони улар воситасида поэтик идрок этиши ҳамда бадий ҳукм чиқариши ёзувчи ижодий лабораториясининг асоси эканлиги асосланган;

бадий асар такомлида адиб эстетик идеали, дунёқараши, маданий-маърифий даражаси, ҳаётий тажрибаси, малакаси, истеъдод ва салоҳиятининг қувватига асосланган ижодий жараённинг ўрни муҳимлиги исботланган;

бадий ғоя, ижодий тасаввур ва эстетик талқин масаласини тадқиқ этишда адиб ижодий «мен»и, фикр-қарашлари структураси, ёзувчи ва бадий асар жуфтлиги, ижодкор поэтик олами ва маънавий-руҳий дунёси яхлит адабий жараён контекстида ўрганилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда биографик метод ва бошқа илмий ёндашув усулларининг назарий жиҳатларини ўрганишда ёзувчи шахсиятининг аҳамияти, бадий матннинг роли, асарлардаги комил инсон тимсоли орқали ҳозирги замон ўқувчисининг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлиб камол топишига илмий муносабат билдирилиб, тадқиқот жараёнида эришилган натижалар келгусидаги ижтимоий, психологик ҳамда фалсафий йўналишдаги илмий изланишлар учун манба бўлиб хизмат қилиши аниқланган;

тарихий мавзудаги асарларни адабий-тарихий жараён контекстида ўрганилиб, тадқиқ этилган асарлар қаҳрамонларининг ўзига хос маънавий олами, уларнинг асар воқеалари тизимидаги ўрни ҳамда тақдирининг бадий ечими тарихий маълумотлар кесимида қиёсланган;

тарихий асарларда миллий характер хусусиятлари меъёр даражасида тасвирланиши халқни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда самарали воситалардан эканлиги таҳлилларда аниқлаштирилиб, ушбу мавзу бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувига хизмат қилиши далилланган;

тадқиқот натижалари истиқболда адабиётшунослик назарияси, янги ўзбек адабиёти, ҳозирги адабий жараён, адабиётшунослик методологияси, адабий танқид тарихи бўйича ишчи дастур, илмий тадқиқот, дарслик ва қўлланмалар яратиш учун заҳира бўлиб хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар биографик, социологик, психоаналитик, структурал, герменевтик, қиёсий, тарихий-типологик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қараш ва илмий хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, бадий ижод жараёни табиатини чуқур ва атрофлича очиб беришда интернет сайтларидаги маълумотлар, адабиёт назариясига оид Европа ва жаҳон адабиётшунослари томонидан яратилган изоҳли луғатлардан фойдаланиб, илмий натижа ва хулосалар билан асосланишида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар, аввало, адабиётшунослик назариясини бойитишга хизмат қилади. Шу билан бирга, диссертацияда ёзувчи ижодий лабораториясининг яхлит ўрганилиши, унинг қиёсий аспектларда текширилиши, тадқиқот объектига тортилган асарларнинг адиб биографиясига боғлиқ ҳолда асослаб берилганлиги мавжуд маълумотларни назарий жиҳатдан такомиллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган хулосалар ўзбек адабиётшунослигида илмий тадқиқот методларининг илмий муомалага жорийланишида яқиндан ёрдам беради. Шунингдек, «Янги ўзбек адабиёти», «Ҳозирги адабий жараён», «Ўзбек адабиёти тарихи», «Бадий таҳлил асослари» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларини ёзишда, ихтисослик фанларини ўқитишда манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бадий ғоя, ижодий тасаввур ва эстетик талқин масаласини ўрганиш жараёнида эришилган илмий натижалар қуйидаги илмий ишларга татбиқ этилган:

ёзувчи ижодий лабораторияси хусусида чиқарилган назарий хулосалардан ХТ-Ф-2-004-рақамли «Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва

ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 89-03-3723-сон маълумотномаси). Натижада, адабиётшунослик илмида бадиий ижод жараёни, хусусан, асарнинг юзага келиши адиб шахсияти билан боғлиқ равишда унинг бадиий-эстетик хусусиятларига оид масалалар илмий далиллар билан бойишига эришилган;

Ўзбек адабиётида биографик методнинг ғоявий-бадиий, илмий-эстетик вазибалари юзасидан олинган илмий натижалардан А-1-118-рақамли «Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги 89-03-1396-сон маълумотномаси). Натижада, биографик методнинг назарий муаммоларига доир қарашларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қилган;

Ўзбек адабиётида ёзувчи ижодий биографиясини ўрганиш хусусида Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясининг «Диёр 24» ва «Маънавият бўстони» кўрсатувлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 4 майдаги 1714-сон ва 2018 йил 5 октябрдаги 1715-сон маълумотномалари). Натижада, мазкур кўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашиб, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 1 та халқаро, 2 та хорижий ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилиниб, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 9 та илмий мақола нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 5 таси республика ҳамда 2 таси хориж журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 149 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган; республика фан ва технологиялари йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «Ёзувчи дунёқараш ва бадиий ғоя» деб номланган бўлиб, «Адиб ижодий лабораторияси» номли илк фаслида асрлар давомида шаклланган ижод ва ижодий жараённинг турфа хил

хусусиятлари, ёзувчи ижодий лабораториясининг ўзига хос жиҳатлари биографик метод талаблари асосида тадқиқ қилинган.

Ҳаётий воқеа-ҳодисалар ижодий лабораториядан ибтидоланиб, ижодкор қалби, дунёқараши ва руҳий олами билан боғлиқ равишда шаклланади. Бадиий асар ғоясининг пайдо бўлиши, унинг тугал ҳолатга келиши, ёзилиш жараёнида ёзувчи кўнглида кечган пўртаналарнинг барчаси ижодий лабораториянинг ўзига хос индивидуал ҳодиса эканлигини кўрсатади. Шунинг учун, бадиий ижод жараёнида туғилган янги воқелик, хусусан, эпик насрнинг ҳикоя, қисса ва роман жанрлари намуналари ҳам конкрет адиб ижод лабораторияси асрорлари негизида ҳолис тадқиқ этилиши мумкин. Биографик метод бадиий ижод моҳияти, ижодкор инсон психологияси, поэтик асар моҳиятини кашф этишда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, мазкур метод ёзувчи ва бадиий асар жуфтлигига асосланади. Яъни бадиий асар ёзувчи шахси орқали ўқилади. Шунинг учун диссертацияда ёзувчилар шахсий ҳаёти, қизиқишлар дунёси, яшаб ижод этган муҳити, муайян асар битилаётган пайтдаги руҳий-психологик кечинмалари, илҳомига туртки берган омиллар, ижодий лабораторияси сингари тарихий-индивидуал масалаларга бадиий ижоднинг асосий омиллари тарзида қаралган. Бу ҳол Миркарим Осим ва Асад Дилмурод поэтик оламига чуқурроқ кириш, сўз санъаткорининг индивидуал тақдири орқали уларнинг ижодини талқин этиш имконини берган.

Биографик метод бўйича дунё адабиётшунослигида эришилган ютуқ ва амалий тажрибалар, хусусан, мазкур методнинг илмий-назарий асосларини ўрганган Огюстен Сент-Бёв (1804-1869) нинг «Адабий портретлар, танқидий очерклар», «Жозеф Делорм ҳаёти, шеърлари ва фикрлари»<sup>12</sup>, Андре Моруа (1885-1967) нинг биографик метод тамойиллари асосида ёзилган «Адабий портретлар», «Олимпиа ёки Виктор Гюго ҳаёти», «Оноре де Бальзак»<sup>13</sup> каби тадқиқотлари ишга жалб қилиниб, бадиий асарлар шу асосда тушунилган ҳамда тушунтирилган. Бошқачароқ айтганда, Миркарим Осим ва Асад Дилмурод биографияси ва ижоди бир бутунликда талқин этилган. Дарҳақиқат, «бадиий асарда ижодкор шахсияти аксланар экан, унинг кўп қирралари муаллиф биографияси контекстида англашилади»<sup>14</sup>. Ижодкор «мен»и унинг асарларига маълум даражада кўчади. Диссертацияда айни муаммо тадқиқида ўзбек адабиётшуносларидан Фитрат, А.Расулов, Н.Раҳимжонов, Б.Каримов тадқиқотларига таянилди. Жумладан, Фитрат туркий халқларнинг қатор ижодкорларлари биографиясини уларнинг асарларидан келиб чиқиб тиклашга муваффақ бўлган эди. Бадиий ижод маҳсулига ёзувчи шахсияти асосига йўғрилган бадиият сифатида қараган проф. А.Расулов биография атамаси «умр тарихи», «битикдаги тақдир» маъноларини англантишини таъкидлаб, Алишер Навоийнинг «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Хамсат ул мутаҳаййирин»

<sup>12</sup> Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. – Москва: Худ.лит., 1970; Сент-Бёв Ш. Жизнь, стихотворения и мысли Жозефа Делорма. – Ленинград: Наука. 1985.

<sup>13</sup> Моруа А. Литературные портреты. – Москва: Прогресс, 1971; Моруа А. Олимпиа или жизнь Виктора Гюго. – Москва: Прогресс, 1983; Моруа А. Оноре де Бальзак. Жаҳон адабиёти. 1992. 8-сон.

<sup>14</sup> Қуронон Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б.74.

каби асарларида фаол қўллаган «ҳасби ҳол», «ҳолот адоси», «ҳолот кайфияти», «завқи ҳолот» каби бирикмалари билан қиёслаган эди<sup>15</sup>. Демак, замонавий адабиётшунослик илмида эътибор кучайган мазкур сўзнинг туб илдизи мумтоз адабиётимизга бориб тақалади. Бироқ у метод сифатида Ғарбда шаклланди ва замонавий адабиётшунослигимизда анча фаоллашди. Адабиётшунос Б.Каримов эса: «Биографик метод ёзувчи ва бадиий асар жуфтлигига асосланади. Ижодкорнинг шахсий ҳаётига, яшаган муҳитига, руҳий-психологик ҳолатига, шахсий қизиқишларига, асарнинг ёзилишига туртки бўлган илҳом факторларига, ижодкор лабораториясига ва шу каби қатор тарихий-индивидуал масалаларга жиддий эътибор беради»,<sup>16</sup> – деб ёзади. Шунингдек, тадқиқотда шўро даври адабиётшунослигида А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, У.Носир каби адибларнинг ҳаёти ва ижодини биографик метод асосида ўрганишда мафкуравий талаблар таъсирида бир ёқлама қарашлар пайдо бўлиши объектив сабаблари кўрсатилган. Ёзувчи яратган санъат асари қатларида унинг руҳи-ҳолати ўзини ҳамиша намоён этиши Миркарим Осим ва Асад Дилмурод ижодий лабораторияси мисолида ўрганилган.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли «**Ижодий ният – бадиий ғоянинг туғилиши**» деб номланган бўлиб, унда сўз санъаткорларининг ижодий нияти, бадиий ғояси, ҳаёт воқелигини саралашдаги услуби, бадиий-эстетик талқини яратган асарлари орқали намоён бўлиши Миркарим Осимнинг «Зулмат ичра нур» ва Асад Дилмуроднинг «Мулк», «Гирих» қиссаларини қиёсий ўрганиш асосида ойдинлаштирилган ва назарий хулосалар чиқарилган.

Маълумки, ижодий тасаввур жараёнида ҳар бир адиб эстетик идеали, дунёқараши, маданий-маърифий даражаси, ҳаётий тажрибаси, малакаси, истеъдод ва салоҳиятининг қуввати алоҳида қиммат касб этади. Ёзувчи бажарилиши лозим бўлган ижодий ишини, кўзлаган мақсадининг аниқлигини, образлар дунёсини, ижтимоий давр ва реал шароитни етарлича тасаввур қилмай, керакли тажриба ва маҳорат тўпламай амалга ошира олмайди. Сўз санъаткорларининг у ёки бу асарни ёзишга киришишдан олдинги ижодий нияти, бадиий ғояси, ҳаёт материални саралашдаги йўсини, эстетик талқин хусусиятлари бир-бири билан боғлиқ тарзда зухур топади. Ёзувчи ижодий лабораторияси даставвал ижодий ниятнинг бадиий ғояга айланиши ҳамда унинг бадиий-эстетик талқини билан боғлиқ қирраларни ўрганишдан бошланади. Шу ўринда, ёзувчи ижодий нияти қачон бадиий ғояга айланади, – деган муаммони қўйиш ўринли. Қачонки ижодкорнинг бирор бир ҳаётий ҳодисага, воқеликка нисбатан қалбида кучли ҳиссиёт натижасида ижодий ният пайдо бўлсагина, унда ёзишга эҳтиёж туғилади. Ўша эҳтиёж бадиий ғоя туғилишига сабаб бўлади. Дарҳақиқат, «Бадиий ғоя – бадиий мазмуннинг муҳим компоненти, асардан келиб чиқадиган образли мумлашма фикр»<sup>17</sup>. У асар мазмунида ўз ифодасини топади. Ҳар бир бадиий

<sup>15</sup> Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 21-22.

<sup>16</sup> Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 18.

<sup>17</sup> Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б. 387.

асар ҳаётнинг қайсидир даражада умумлаштирган манзарасини ўзида акс эттириши Миркарим Осим ва Асад Дилмурод ижоди мисолида тадқиқ этилган.

Адиб бадиий ғоясининг юзага чиқишига туртки бўлувчи омиллар турли ҳолатларда намоён бўлади. «Ёзувчининг маънавий интеллектуал жамғармаси муайян шаклда бадиий-эстетик мазмун касб этиши учун қаердадир ўқиган бирор хабар, ким биландир қурган суҳбатидаги характерли воқеа, осуда ҳаёлга чўмган ҳолатдаги хотира ва бошқа омиллар ана шу учқун вазифасини ўташи мумкин»<sup>18</sup>. Кўнглида пишиб етилган бадиий ғояга туртки бўлувчи ҳолат ёзувчи учун жуда муҳим бўлиб, бу эстетик мазмун касб этувчи омиллар ижодий жараённинг амалдаги ҳолатини бошлаб беради. Миркарим Осим кўп вақтини тарихий манбаларни синчиклаб ўрганишга бағишлаганлиги боис, ижодкор қаламига мансуб асарларнинг ижодий нияти ҳам шу билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Адибнинг тарихга, мумтоз адабиётимизга қизиқиши унинг аввал техникумда, сўнгра Москва педагогика институтининг Тарих-иқтисод факультетида ўқиб юрган пайтларидан бошланади. Адиб ўша даврларданок тарихий шахслар образи акс этган асарлар ёзишга, тарихий воқеликка ижодий ёндашишга ҳаракат қилади. Унинг шу мавзудаги ижод намуналари ўз халқи ўтмишига, тарихий шахсларга муҳаббатидан майдонга келади. Масалан, ёзувчи Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини яхши билгани, бадиий асарларининг моҳиятини теран англагани, буюк даҳо ижодига муҳаббати баландлиги боис бу сиймо образини гавдалантиришга жазм қилади. Адибнинг «Зулмат ичра нур» қиссаси ўзбек адабиётида яратилган биринчи тарихий-биографик қиссадир. Миркарим Осим дастлаб Навоий ҳаётини барча даврлари акс этган «Шоирнинг ёшлиги», «Бадарға», «Астрабод», «Дарвешалининг фитнаси» номли кичик ҳикоялар ёзган. Кўриниб турганидек, адибнинг узоқ йиллик изланишлари самараси сифатида, кўнглида етилиб юрган «Зулмат ичра нур» қиссасига ижодий туртки 1963 йили улуғ шоир А.Навоийнинг 525 йиллик юбилеи сабаб бўлади. Миллати тарихини ўрганишни ўзининг қисмати деб билган Миркарим Осимнинг илк бор эътиборини тортган қаҳрамон ҳам тарихий шахс Гераклит образидир. Унинг фалсафий фикрлар асосига қурилган дастлабки ижод намунаси «Гераклит»<sup>19</sup> номли шеърини туғилишига адибнинг ўтмишни яхши ўрганганлиги қўл келади. Кўриниб турганидек, ижодкорнинг илк асарининг бадиий ғояси ҳам тарих билан боғлиқ равишда туғилади. Тадқиқотда Миркарим Осим асарларининг ёзилиши учун ижодий ниятнинг пайдо бўлиши адибнинг муаррихлик йўсинидаги ижодий изланишлари, уни ларзага солган миллий туйғулар самимияти, эҳтирос ва илҳомнинг фараҳбахш лаҳзалари билан чамбарчас боғлаб талқин қилинади.

Асад Дилмуроднинг тарихга муҳаббат туйғуси унга қон билан киргани, халқ оғзаки ижоди намуналаридан ёшлигидан баҳраманд бўлиб улғайгани, Самарқанд замини, тарихий ёдгорликлар билан ҳамнафас яшагани боис

<sup>18</sup> Раҳимжонов Н. Бадиий асар биографияси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.77.

<sup>19</sup> Осим М. Гераклит // Гулистон журнали. 1936. 3-сон. – Б.39.

ёзувчининг асарлари бадий ғоясининг туғилиши ҳам мана шу омиллар билан боғлиқликда таҳлил этилган. Бунда адибнинг эътирофлари, мақола ва эсселари, уни яқиндан билган кишиларнинг хотиралари ва биз билан суҳбат асносидаги иқдорларига<sup>20</sup> таянилган. Жумладан, Асад Дилмурод дўсти уста Абдуғаффорнинг болалигида Афросиёб яқинидаги ғорга бир қоп қадимий китоб кўмилганлигини кўргани ҳақидаги ҳикояси муборак китоблар, кўҳна обидалар миллатимиз фахри бўлган уста-хунармандларнинг умумлашма образи акс этган учлик қиссаси – «Мулк», «Гириҳ», «Интиҳо»нинг яралиши учун ижодий туртки бўлганлигини айтади<sup>21</sup>. Демак, адибнинг дўсти айтиб берган ҳаётий ҳикояси мана шу уч қиссаси бадий ғоясининг туғилишига сабаб бўлади. Асарлардаги тарихий воқеаларнинг асосий қисми «Мулк» мағзига сингдириб юборилганлиги кузатилади. Ёзувчи ижодий жараёнда тарихни жонлантиришда ўзининг фантазияси асосида асарни янада бойитади. Асарда аниқ бир тарихий воқелик хусусида гап кетмаса-да, ундаги тасвирлар беихтиёр ўтмишнинг кўҳна манзараларини, ўша давр муҳити ва руҳини кўз олдимизда гавдалантиради. Асарнинг 1989 йилги нашрида тасвирни фозил инсонларнинг суҳбати билан бошланиши орқали ёзувчи қитобхонни унинг асосий мазмуни сари етаклайди. Адиб даврга хос халқимиз кўнглидаги кечинмаларни, уларнинг руҳий-маънавий изтиробларини қаламга олади. Ёзувчининг олис мозий ҳақидаги қарашлари асардаги уста Жамшиддин, ўғли Шамсиддин ва уларнинг атрофига бирлашган образлар орқали юзага чиқади. Асад Дилмурод ижодий ниятини бадий ғоя шаклига киритар экан, асар сюжетини ҳаракатга келтирувчи куч – муносиб образлар галареясини яратади. Зотан, ижодий ният ёзувчининг ҳаёт воқелигига муносабати маҳсулидир. Қайд қилинганидек, ҳар қандай ижодий ниятнинг туғилишига ҳаётий воқелик асос бўлиб хизмат қилади. Бунда ижодкор ҳаёт моҳиятини, аҳамиятини яхшилаб тушунтириб бериш ва шу орқали тасвир объекти устидан ўз «хукми»ни чиқариш мақсадини кўзда туттади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Бадий ижод жараёни**» деб номланган бўлиб, «**Ҳаёт материали: бадий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар**» номли биринчи фаслида ҳаёт ҳақиқатининг бадий ҳақиқатга айланиш жараёнида ёзувчи кўнглидаги ғоявий-бадий вазифа турфа хил шаклланиб, асар ёзилиши давомида турлича ўзгариши илмий-назарий қарашлар асосида Миркарим Осим ва Асад Дилмурод асарлари мисолида тадқиқ этилган. Бадий ижод жараёнида ёзувчининг эстетик қарашларига муштарак ҳолда асарларнинг майдонга келиш сабаблари, ижодий тақомилининг спецификаси таҳлил қилинган. Бадий маҳорат масалалари ёритилган.

Ёзувчи ижодий лабораториясида илк режа адиб истагига ва бадий талқин тақозосига кўра, турли даражада ўзгариши мумкин. Чунки у яратадиган образига мос индивидуал хусусиятни топа билиши лозим. Ижодкор кўнглида туғилган илк режа ижроси давомида янада пишади, гарчи моҳият ўзгарса-да, дастлабки туғилган бадий ғоя унга асос вазифасини

<sup>20</sup> Дилмурод А., Тўраева Д. Тарихий меъёр ва эстетик масъулият // Ижод олами. 2018. 3-сон. – Б. 6-8; Тўраева Д. Баий ижод жараёни босқичлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2018. – 6-сон. – Б.71-75; Тўраева Д. Инсоннинг кўнгли – энг гўзал тимсол // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2018. – 5-сон. – Б. 130-136.

<sup>21</sup> Дилмурод А., Тўраева Д. Тарихий меъёр ва эстетик масъулият // Ижод олами. 2018. 3-сон. – Б. 7.

ўтайди. Дастлаб хаёлда пишган асар, ёзилиш чоғида ўзига хос тарзда ўзгариши мумкинлигини ёзувчидаги камчилик эмас, балки ижодий жараённинг шаклланиш босқичи деб қараш лозим. Масалан, Асад Дилмуроднинг «Шердор» қиссаси якунида ижодий режага биноан, Ялангтўшбий баҳодир мадраса пештоқига жонлиқлар суратини тасвирлагани учун бош қаҳрамон Муҳаммад Авазни қатл этиши кўзланган эди. Аммо ёзувчи ижодий жараён давомида ҳукмдор меъмор йигит ҳаётини сақлаб қолади. Асар ечимидаги ўйланган салбий ниҳоя, бадий мантиқ тақозосига кўра, ижодий яқунга айланганлиги халқнинг ўтмиш ҳаёти фақат фожеалардан иборат бўлмай, балки ҳунармандлар меҳнати муносиб баҳоланганини ҳам тасдиқлайди. «Шер билан оҳунинг тирилиши, меъморнинг жонини подшодан сўраб олиш фикри мазкур обиданинг тарихи билан қизиққан пайтимда миямга ўрнашиб олганди. Шунини айтишим керакки, асардаги салобатли обида пешонасидаги сурат билан боғлиқ тасвир бу – бадий топилма... Асар ечимига келсак, унинг тубдан ўзгариб кетиши, тўғриси айтсам, ўзимни ҳам завқлантирган. Ёзувчининг ўзидан ўзи завқланиши бироз муболағадир, лекин бу – ҳақиқат»<sup>22</sup>. Муаллифнинг фикридан англашиладики, ижодий жараёнда асар ечимига хос сирлилик, уни фожеа билан эмас, адолатли қарор топиши ёзувчининг ўзини ҳам қониқтиради. Агар дастлабки ижодий ният ўзгармаганида, аввало, Ялангтўшбий шахсига соя солиниши, шу билан бирга, суратга мос бўлмаган талқиннинг берилишида ҳақиқатнинг синишига йўл кўйилиши асар моҳиятига мос келмасди.

Бу ҳолат Миркарим Осим ижодида ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Адибнинг Жаҳон отин Увайсий ҳақидаги «Кўнгил меҳробини» номли тарихий асарида шоира қаламига мансуб ижод намуналарининг туғилиши билан боғлиқ лавҳаларни келтирилиши асар бадииятини янада оширади, ишончлилигини таъминлайди. Увайсий руҳий ҳолатининг ёрқин ифодаси акс этган бундай тасвирлар асарга ўзгача руҳ олиб киради. Ёзувчи унда «Анор» чистони ва «Соғиндим» ғазалининг яратилиши билан боғлиқ бадий топилмани шоира қалбидаги ўша туғёнлар ҳосиласи сифатида талқин қилади. Увайсий учун аёллар қадру қиммати масаласи ҳар доим асосий ўринда бўлгани сингари, бу масалага жамиятда ҳам алоҳида эътибор қаратилгани асарда табиий лавҳалар орқали акс эттирилади. Сарой ҳарамхонасидан ҳовлига қараб турган Увайсий Умархоннинг келишган, чиройли канизагига «ўзгача» нигоҳ билан қарашига ғаш келади. Нариги томонда бу ҳолатни кўриб турган хоннинг аҳлу аёли Моҳлар ойимнинг юзидаги андуҳни кўрган Увайсий унга ич-ичидан ачинади. Шу маҳал сув ичиш ниятида токчадаги чойнакка қўл чўзганида, беихтиёр, кўзи у ерда турган анорга тушади. Бу ҳолатдан қаттиқ таъсирланган шоира Моҳлар ойимга бағишлаб қалб кўридаги аламларини қоғозга тўкиб солади. «Анор» чистонининг яратилиши билан боғлиқ бу бадий топилманинг ўз ўрнида ишлатилиши асар моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Асарнинг «Фарзанд доғи» номли охириги бўлимини ҳам шоиранинг руҳий ҳолати акс этган лавҳалар ташкил қилади.

<sup>22</sup> Ёзувчи Асад Дилмурод билан суҳбат матни муаллиф архивида сақланади.

Умархон вафотидан сўнг унинг ўғли Маъдалихон Қошғарни забт этиш учун отланганида Увайсийнинг ўғли Муҳаммадхонни ҳам олиб кетади. Бу ҳолатни шоира ўзининг саройга яқин бўлиши оқибати эканлиги билан боғлаб чуқур қайғуга ботади. Бундай қаттиқ руҳий зарбалар шоира ижодида ўз аксини топмай қолмайди. Ўғли Муҳаммадхонга бағишлаб ёзилган «Букун эй дўстлар, фарзанди жонимни соғиндим» радифли ғазалининг туғилишини Миркарим Осим мана шундай табиий лавҳалар орқали баён этади: «Етти байтдан иборат ғазалини ёзиб бўлганидан кейин юраги бўшаб, енгил тортгандек, ғам-ғуссаси сиёҳ билан бирга эриб оқ қоғозга тушгандек бўлди»<sup>23</sup>. Шоира қалбидаги ҳисларнинг қоғозга тўкилиши асарда образ шахсияти билан боғлиқ тарзда ёрқин намоён бўлади. Шу ўринда «Анор» чистони ва «Соғиндим» радифли ғазалининг Увайсий қаламига мансублигини тарихий ҳақиқат деб билсак, унинг туғилиши билан боғлиқ жараёни Миркарим Осим ижодий лабораторияси маҳсули сифатида қарашимиз ўринлидир. Демак, ижодий жараён чоғида дастлабки режанинг ўзгариши ҳолатида ёзувчи маълум ижодий муҳит, муайян кайфият-ҳолатлар таъсиридан келиб чиқиб, уни янада бойитади. Асар салмоғини оширувчи янги фикр-туйғулар асосида уни янада тўлдиради.

Иккинчи бобнинг навбатдаги фасли «**Ижодий тасаввур ва қаҳрамон**» деб номланади. Ижодий жараёнда қаҳрамон танлаш ҳар бир адиб учун энг муҳим, масъулиятли ва мураккаб вазифалардан биридир. Бадиий ижод жараёнида ёзувчи шунчаки қаҳрамон танламайди, уни ўз адабий меъёрлари асосида бадиийлаштиради. Шунинг учун: «Бадиий образ бошқа ҳар қандай ижод намуналаридан ўзининг муайян эмоционал-эстетик ғоявий таъсир кучига эга ҳиссий мазмуни билан ҳам яққол ажралиб туради»<sup>24</sup>. Чунки бадиий ғоя ўша образлар орқали юзага чиқади. Демак, ёзувчи асар руҳига мос қаҳрамон танлаш ва уни бадиий гавдалантира олиш машаққатини енгиб ўтсагина, характерлар зоҳири ва ботини жонли, ҳаётий ва ишончли чизилади.

Тадқиқотда ижодкорнинг ўз қаҳрамонини кўзлаган бадиий ғоясига мувофиқ танлаши, эстетик идеалига монанд бадиий талқин қилиши, айни пайтда характерлар мантиғига зуғум ўтказмаслиги каби масалалар аниқ асарларнинг яратилиш тарихи, яшаш тарзи, ўқишли бўлишини таъминлаган эстетик омиллар мисолида тадқиқ этилган. Миркарим Осимнинг тарихий мавзудаги асарларида қаҳрамон танлаш реал шахслар фаолияти билан боғлиқликда кечиши Султон Жалолиддин, Темур Малик, Сўкту нўён характерлари мисолида тарихий ҳақиқатга қанчалик мутаносиблиги ўрганилган. И.Ғафуров эътироф этганидек: «Миркарим Осим ўз асарларида улуғ боболаримиз қалбларига назар солади ва у қалбларда битмас-туганмас дов, адолат ва инсонпарварлик кўради. Биз унинг асарлари орқали Ибн Сино бобомизни севганмиз. Абу Райҳон бобомизни заковатига таъзим қилганмиз. Алишер зехни даҳосидан ҳайратга тушганмиз»<sup>25</sup>.

<sup>23</sup> Осим М. Синган сатор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – Б. 298.

<sup>24</sup> Жамоа. Адабиёт назарияси // Бадиий образда бадиий ғоя ва бадиий-ҳиссий мазмун мутаносиблиги. II жилдлик. II жилд. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 107.

<sup>25</sup> Ғафуров И. Ўтрор боғларида // Осим М. Темур Малик. Сайланма. www.kh-davron.uz.

Миркарим Осим «Темур Малик» ҳикоясига ватанпарвар халқ қаҳрамони образ қилиб танлайди. Мазкур тарихий асар етакчи қаҳрамони мўғул босқинчиларига қарши курашда мардонавор жасорат кўрсатган Темур Малик характерини ёзувчи тарихий ҳақиқатга асосланган ҳолда, ўз услубига кўра яратади. Адиб асардан кўзлаган ижодий ниятини шу қаҳрамон орқали намоён этади. Хўжанд вилоятининг ҳоқими Темур Малик йигирма минглик мўғул кўшинига қарши курашга отланган халққа бошчилик қилади. Асарда у қатъиятли, қаттиққўл бўлиши билан бирга, самимий ва меҳрибон инсон сифатида ҳам бадиий талқин қилинади. Темур Малик жангга кирар экан, оиласи, ватани олдидаги масъулият ҳисси уни доим курашга чорлаб, жасорат бағишлайди. Ёзувчи бу образида ватанпарвар ўзбек ўғлони қиёфасини гавдалантиради. «Биз «Ўтрор», «Темур Малик»ни ўқиб тарих нима эканлигини билганмиз. Қандай боболаримиз борлигидан эрта хабар топганмиз. Жалолиддин билан, Темур Малик билан бирга шиддатли Сайхунда ва унинг бўйларида Чингиз босқинчилари билан жангларга кирганмиз. Миркарим Осим асарлари қонимизга ватанпарварлик руҳини сингдириб юборган»<sup>26</sup>. Миркарим Осим яратган қаҳрамонлари бутун вужудига юртига, миллатига садоқат туйғуси синган содиқ инсонлардир.

